



**Жаҳонат
ботқоғи
оддам
тандамас**



**Бизга «Ҳошимжонлар»
керак эмас**



«Колбаса қани-и?»

КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ



ЖАМИЯТ

№ 31 (667)
2019 йил
16 август,
Жума

Ижтимоий-сиёсий газета



2006 йил 31 августдан чоп этила бошлаган



www.bong.uz



jamiyatgzt@mail.ru



Мустақилликни, Истиқлолни, Ватанни ҳар қанча улуғласак, арзийди. Тупроғини кўзларга сурсак, мусаффо ҳавосидан мириқиб симирсак, ярашади. Бу йил юртимиз мустақил давлат сифатида шаклланишига 28 йил бўлди. Шунга мос «Жонажон Ўзбекистоним, мангу бўл омон!», деган улуғвор шиор танланди. Ҳар йили нишонланиб келаётган энг улуғ ва энг азиз байрамимиз муносабати билан Республика Маънавият ва маърифат маркази «Маърифат» тарғиботчилар жамияти аъзоларининг дил сўзларига кулоқ тутдик.

«Улуғимсан, Ватаним!»

**Муҳаммаджон Курунов,
Республика Маънавият ва
маърифат маркази раҳбарининг
биринчи ўринбосари:**

— Ўзбекистонимизнинг ҳар бир фарзанди бу кунни интизорлик билан, интиқлик билан кутади. Чунки озодлик ота-боболаримизнинг ҳам орзуси эди. Биз ана шу эзгу орзуси ушалган миллатнинг авлодларимиз. Ҳайлайманки, ҳар бир ўзбекистонлик мустақилликни жуда тегин, ўзининг шахсий тарихи, келажаги билан боғлаб англамоқда. Мустақиллигимизнинг 28 йиллигига атаб, жуда катта, бир-биридан бой тадбирлардан иборат дастурлар ишлаб чиқилмоқда. «Жонажон Ўзбекистоним, мангу бўл омон!», деган шиорда бутун ўзбе-

кстонликларнинг бир томондан ушалган орзулари ва ундан кейинги шодлиги, бахти ҳамда эртанги кунда ҳам мана шундай бахтиёрликнинг абадий давом этишига бўлган истак, ниятлари мужассам. Шунинг учун ўзимизни ҳар кунлик ҳаётимизда Ўзбекистоннинг вафодор, садоқатли, онгли, меҳр-оқибатли фарзандларидек тутишимиз керак.

**Бахтиёр Хусанов,
«Маърифат» тарғиботчилар
жамияти раиси:**

— Бу кунларга осон етиб келганимиз йўқ. Юртимизнинг маърифатпарвар жадиллари бу онлар учун тинмай курашган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 3 майдаги

«Маънавий-маърифий ишлар самардорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори чинакамига «Маърифат» тарғиботчилари учун дастуриламал вазифини ўтамоқда. Ўз фаолиятимиздан келиб чиққан ҳолда халқимизга ҳақиқий «Маърифат» зиёсини сочишга ҳаракат қилмоқдамиз. Республикаимизнинг 14 та ҳудудда ўз миллий анъаналаридан келиб чиққан ҳолда, «Маънавият фестиваллари» ўтказилиши бунинг исботидир. Жараёнларда Сирдарё вилоятида «Маърифат» тарғиботчиларидан иборат энг гуруҳ томонидан «Менинг оилам — маънавий бойлигим» семинарини ташкил этиш натижасида 20 дан ортиқ ажрим ёқасидаги оилалар қайта тикланди. Сурхондарё вилоятида «Маънавият энг қудратли ва таъсирчан қуролимиз» шиори остида фестиваль уюштирилди.

Унда «Китоб — меҳримиз тимсоли», «Маърифатли келажак» хайрия-акцияси ўтказилди. Бундай тадбирлар бошқа вилоятларда ҳам ташкил этилмоқда.

**Минҳожиддин Ҳожиматов,
Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси
раисининг биринчи ўринбосари:**

— Биз мустақилликни бежиз «Энг улуғ ва энг азиз байрам, энг улуғ қадрият» демаймиз. Мустақиллик байрами яқинлашган сари бир нарсани кўп ўйлайман. Биз озодлик берган истиқлол неъматини англаб, ҳис қила оляпмизми? Унинг қадрига етпимизми? Қодирий, Чўлпон, Фитрат, Усмон Носир, Ботулар бугунги кунлардан қандай таъсирланган бўлар эди. Улар бир умр чорасизликда чора, эрксизликда эрк, тутқунликда озодлик истаб, истиқлолга

Давоми 2-саҳифада ▶▶

**КИСҚА
САТРАЛДАР
ЎҚИНГ!**

13 август 2019 йил. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони эълон қилинди.



«Бошланиши 1-саҳифада»

талпиниб яшади. Мустақиллик туфайли бугун биз маънавий илдишлардан баҳра оладиган мустақам тизмини яратдик. Президентимиз ташаббуси билан халқаро майдонда адабиётимиз тарғиби кун сайин кучайиб бормоқда. Бу масъулият зиёлиларга уйғоқлик, бедорлик, фаоллик бахш этди. Биз бугун бир нарсдан хурсандимиз-ки, иқтисодий ривожланиш маънавий ривожланиш билан, иқтисодий тараққиёт маънавий тараққиёт билан уйғун олиб борилмоқда.

**Раҳимбой Жуманиёзов,
Филология фанлари
номзоди, доцент:**

— Истиклол шодибаналарига «Жонажон Ўзбекистоним, мангу бўл омон!» шиори гоё сифатида шакллантирилган. Шу нуқтага назардан мангулик ва омонлик деган тушунча гоё сифатида берилган экан, бу «Маърифат» тарғиботчиларига ҳам жуда катта масъулият юклайди. Шу юрт манфаати, халқни янада фаровон қилиш учун иккита мақсад алоҳида ажралиб туради. Булар Ҳаракатлар стратегияси ҳамда бешта муҳим ташаббуслар. Бу ҳужжатларни ҳаёт учун йўланма, тараққиёт учун қўлланма дегим келади. Бизнинг шарқона менталитетимизда ёш авлод онгига таълим ва тарбияни уйғунликда етказиш принципи мавжуд. Давлат мустақиллигини кутиб олишга шай бўлиб турган халқнинг кайфиятини кўтаришимиз, уларни илҳомлантира олишимиз керак. Шу билан бирга, ҳушёрлик, огоҳликни ҳам бир дақиқа қўлдан бой бермаслигимиз лозим.

**Мирза Азизов,
Муқимий номидаги
Ўзбекистон давлат
музыкали драма театри
директори, Ўзбекистон
халқ артисти:**

— Бугун мустақил диёримиз 28 ёшга тўлиши арафасида юртимизда шиддатли ислохотлар амалга оширилмоқда. Энг чекка қишлоқларимиздан тор-

тиб, шаҳарларимизгача катта бунёдкорлик ишлари кузатиламоқда. Ҳар бир соҳада барча шарт-шароитлар яратиб берилиши Ўзбекистон фуқаросининг дунёдаги энг бахтиёр инсонларга айланишига сабаб бўлмоқда. Хўш, буни қандай сезиш мумкин? Буни мана-ман деган ривожланган мамлакатлар билан, қолаверса, турли нохушликлар бўлаётган мамлакатлар билан солиштирсак, албатта, жонажон ватанимизнинг қадрига етамиз.

Бугунги таҳликали замонда Ўзбекистон жуда катта ишларни амалга оширяпти-ки, бу қабул қилинаётган қарорлар, фармонлар, барчаси ўттиз уч миллион халқимизнинг фаровонлиги учун бўляпти. Шу муносабат билан ҳар биримиз мана шундай озод, обод, мусаффо осмон остида яшаётганимиздан фахрланишимиз, шу юрт фарзанди сифатида, бўлаётган ишларни нафақат билишимиз, балки таҳлил қила олишимиз керак.

**Муножат Йўлчиева,
Ўзбекистон халқ артисти:**

— Мустақиллик давригача, эркимиз ўзимизда эмас эди. Бир пайтлар санъатимизни дунё сахнасига олиб чиқмоқчи бўлсак, Москва томонидан руҳсат берилишини кутардик. Мустақиллик бизга ўзлигимизни англашга имкон берди. Ўз имкониятимиз, ижо-

димиз, санъатимизни бутун дунёга ёйишимиз учун барча йўллари очди. Чет элларда бўлганимизда, миллий кийимларда, мумтоз ашулаларни айтар эканманман, хорижлик дўстларимиз бизнинг қайси юртданлигимизга қизиқарди.

«Улуғимсан, Ватаним!»

«Чет элларда бўлганимизда, миллий кийимларда, мумтоз ашулаларни айтар эканманман, хорижлик дўстларимиз бизнинг қайси юртданлигимизга қизиқарди. Шундай дамда «Мен ўзбекистонликман», деб баралла айтишдан кўксим ғурурга тўлади.»

Шундай дамда «Мен ўзбекистонликман», деб баралла айтишдан кўксим ғурурга тўлади. Бугунги кунда ёш ижодкорлар учун кенг имконият, шароитлар яратилди. Ёш иқтидор эгалари учун давлат мукофотлари таъсис этилган. Бу мукофотни олган иқтидорли ижодкорлар учун тўғридан-тўғри олий ўқув даргоҳларида ўқиш имконияти яратилди. Президентимиз томонидан ишлаб чиқилган бешта муҳим ташаббус туфайли янги-янги қобилиятли ёшлар,

иқтидорлар кашф этилмоқда. Бу йил Самарқандда анъанавий тарзда ўтадиган «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали иштирокчиларининг кўпчилик қисми ёшлардан иборат. Умид қиламанки, келажакда улар мумтоз мусиқа

ди. Кимдир тарихимиз бор бу шеърда деса, кимдир ташбеҳлари беқиёс, дейди. Кимдир Ватанга бўлган муҳаббатимни шу шеърда кўраман, дейди.

Менимча, ватанга бўлган муҳаббатни тилда эмас юрагида акс эттирган, бутун қалби, вужуди билан ҳис қилган инсон бу шеърни ёзгани учун ҳам жавоблар жуда кўп ва жуда чиройли. Мен эса Ватанни онага ўхшагани учун ҳам севамиз, деб ўйлайман. Онадан баъзан хафа бўламиз, қаттиқ гапирамиз, кейин кечирим ҳам сўраймиз. Ватан ҳам шундай-ку. Муҳаммад Юсуфнинг шу шеърда «Ду-дугимсан, Ватаним», деган сатр бор. Бунда шоир баъзи камчиликларни ҳам назарда тутиб, шундай демоқда. Яъни вақтида ўз ичимиздаги гапларни айтолмаганимизни шундай чиройли метафораларда кўрсатган. У ўшани ҳис қилиб, ўшандан хафа бўлиб туриб, лекин яхши кўриб ҳам ёзган. Мана шунинг учун ҳам шеър ҳар биримизнинг юрагимизга кирган.

Исоққон тўра Ибрат, Маҳмудхўжа Бехбудий, Абдурауф Фитратлар бадавлат инсон бўлишган. Нима кераги бор эди ўша пайтда миллат учун жон куйдиришнинг? Миллатимиз болалари учун бепул мактаблар, наشريётлар очиб, одамларга бепул кутубхоналар ташкил қилишнинг? Бу одамларнинг ҳамма нарсаси бор эди. Улар тўқ эди. Лекин улар ватани учун, халқни учун хизмат қилган инсонлар. Шунинг учун ҳам тарихда қолган. Қанийди, ҳар биримиз ватанимиз учун мана шундай фидойи бўлсак?! Шунга интилишимиз керак. Бил — «Маърифат» тарғиботчилар жамияти аъзолари ўша жадидларимизнинг йўлини давом эттиришимиз шарт.

«Маърифат» тарғиботчилар
жамияти матбуот котиби
Лобар ХАЙРУЛЛАЕВА
ёзиб олди.



Яширин иш — келтирар ташвиш

Тадбиркорлик нима? Бунинг бўлиш учун, аввало, нималарга эътибор қаратиш керак? Бугун юртимиздаги тадбиркорлар қонун доирасида фаолият олиб бораётганими?

Хўжабодлик Алишер Саидов (исм-шарифлар ўзгартирилган)нинг бу олдий қондалардан хабардор эмаслиги ҳақиқатдан йироқ. Чунки туман давлат солиқ инспекцияси томонидан ўрганиш ўтказилганида, у ноқонуний равишда яширин мебель ишлаб чиқариш цехини ташкил қилгани аниқланиб, огоҳлантирилганди. Профилактик суҳбат жараёнида давлат рўйхатидан ўтиш бўйича тушунтиришлар ҳам берилган эди. Аммо Алишер бу гапларга қулоқ солмай, тадбиркорлигини яна пинҳона давом эттираётгани солиқ ходимлари томонидан ўтказилган назорат тадбирида аниқланди. Ҳолат юзасидан

баённомалар расмийлаштирилиб, далилий ашё сифатида 24 миллион сўмлик мебель ясовчи дастоҳди вақтинчалик сақловга олинди.

Фарғона вилояти Бувайда туманида яшовчи Қобилжон Ботиров ўз хунари билан Бўз тумани аҳолиси эътиборини қозонишни мақсад қилган-у, аммо тадбиркорлик режасини нотўғри тузган экан. «Бораман, эшик, дераза-ром ясаб, аҳолига пулламан-у, ортимга қайтаман», деган ўйда туманнинг Пиллакор маҳалласида яширин ишлаб чиқаришни ташкил қилади. Бироқ бу ҳудуднинг ҳам солиқ таровиси борлигини унутган чоғи. Солиқ ходимлари томонидан унинг ноқонуний фаолияти аниқланиб, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённома расмийлаштирилди.

Алкоголь ва тамаки маҳсулотлари савдоси билан шуғулланиш учун тадбиркорлардан махсус лицензия талаб



қилинади. Булоқбоши тумани Дўлана маҳалласидаги дўкон эгаси Икромжон Йўлчиевдан айнан шу ҳужжат сўралганида, бу фаолият тури билан ноқонуний равишда шуғулланиб келаётгани ойдинлашди. Унинг бу «тадбиркорлиги» юзасидан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённома расмийлашти-

рилгач, умумий қиймати 6 миллион 504 минг сўмлик 498 дона алкоголь маҳсулотлари савдосининг олди олинди.

Бугун тарбиркор бўлиб, оиласи фаровонлиги, юрт тараққиёти учун муносиб ҳисса қўшишга бел боғлаган ҳар қандай киши учун барча имконият эшиклари очик. Банкларда имтиёзли кредит олишда ҳам қатор енгилликлар белгиланган. Орамизда тарбиркорлигини йўлга қўйиб, кундан-кун иш фаолиятини кенгайтириб, улкан марраларни забт этаётган бизнесменлар талайгина. Аммо юқорида келтирилганидек, фаолиятини яширин йўллар билан олиб бораётган «удабурон тадбиркор»лар ҳам учраб туради. Унутманг, яширин иш — келтирар ташвиш.

Андижон вилояти давлат солиқ
бошқармаси ахборот хизмати.


13 август 2019 йил. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан «Қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкаларини хусусийлаштириш тўғрисида»ги Қонун имзоланди.



ҚИСКА
САТРАЛДАР
УҚИНИ!

Жаҳолат ботқоғи одам танламас

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев куни кеча «Одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонни имзолади.



Фармон билан Одам савдосига қарши курашиш бўйича республика идораларо комиссияси Одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш миллий комиссияси этиб қайта ташкил қилинди ҳамда унинг таркиби тасдиқланди. Миллий комиссия Одам савдоси ва Мажбурий меҳнатга қарши курашиш масалалари бўйича кичик комиссиялардан иборат. Кичик комиссияларга тегишлилиги бўйича Миллий комиссия раиси ўринбосарлари ҳисобланган ички ишлар вазири ҳамда бандлик ва меҳнат муносабатлари вазири раҳбарлик қилади. Давлат органлари ва ҳудудий органларнинг, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, ННТларнинг одам савдоси ҳамда мажбурий

Асрнинг «энг даҳшатли фожиаси»

Одам савдоси (траффикинг) — ўта жиддий ижтимоий муаммо бўлиб, инсоннинг эрки, озодлиги ва ҳаётига аянчи путур етказди. Бу бутун дунё мамлакатлари учун бегона эмас. Аксарият давлатларда инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимояланган бўлса-да, одам савдоси ва қуллик XXI асрнинг «энг даҳшатли фожиа»ларидан бири бўлиб қолмоқда.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг маълумотларига кўра, ҳар йили миллионлаб аёллар, болалар ва эркеклар одам савдоси жабр-дида сизга айланмоқда.

Одам савдоси транс-миллий уюшган жиноятчилик бўлиб, жиноий тўдаларга гиёҳванд моддалар савдоси ва қурол-яроғ савдосидан кам бўлмаган миқдорда даромад келтиради. Маълумолар шуни кўрсатадики, бу муҳим жиноятдан олинаётган йиллик даромад 70 миллиард доллардан ошмоқда. Одам савдоси жабр-дилалари кўпинча шу қадар аянчи ва узоқ давом этадиган қийноқларга ҳамда руҳий босимларга солинадик, уларнинг батамом даволаниши мушкул бўлиб қолади. Шу боис, инсон ҳар бир қадами-ни ўйлаб босиши, узоқни кўзлаб иш тутиши ва мўмай дромат илнжида ўзга кимсаларга қул бўлишдан ҳар дам эҳтиёт бўлиши даркор.

Нафсига қул кимсалар

Жиноятчиларнинг асосий мақсади ўз жабр-дилаларини ишлатишдан мўмай даромад қилишдир. Улар ўз «сармоя»ларини асраб қолишга уринади. Яъни жабр-дилалари қаршилиқ кўрсатиши ёки қочиб кетишини истамайди. Жабр-дилалар устидан назорат қилишнинг турли усуллари мавжуд. Бу усуллар алоҳида ёки биргаликда қўлланилади.

Қарзга ботириш; Масалан, одам савдоси жабр-диласидан, гўёки, уларни йўл, озиқ-овқат, тураржой ва ҳоказо харажатлари учун тўланган «қарз»ни қайтаришни талаб қилишади. Бечора жабр-дилда ишлаб тўлагани сари «қарз» камайиш ўрнига кўпайиб боради. Натижада, у йиллар давомида қул бўлиб қолаверади.

Яккалаб қўйиш ва ҳужжатларни тортиб олиш; Шахсий ҳужжатларни олиб қўяр экан, жиноятчилар бу билан одам савдоси исканжасидаги кишига ўз турилган мамлакатига қайтиш ёки бошқа ерга кетиш имконини бермайди. Шунингдек, улар ўзларининг ҳамма ерда одамлари борлиги, полиция ҳам улар тарафидан экани, шикоят қилиш бефойдалигини такрор ва такрор ўқтиради.

Ўзравонлик ва кўркув; Ўз жабр-дилаларини итоаткорликка сақлаш учун қулдорлар уларни зўрлайди, қатақлайди, дўппослаб, турли қийноқларга солади, гиёҳванд моддалар олди-сотдиси билан шугулланишга мажбур қилади. Натижада, жиноят кўчасига қалам қўяди.

Жабр-дилаларнинг қариндошларига зарар етказиш билан кўрқитиш; Жиноятчилар ўз жабр-дилаларининг оила аъзолари ҳақида ахборот йиғида. Агар уларга бўйсунмаса ёки қочиб кетса, яқинларига зарар етказиш пўписаси билан кўрқитади.

Асосан, одам савдосининг жабр-дилалари полициянинг тезкор ҳаракатлари, хайрихоҳ одамларнинг ёрдами ёки ўзларининг уддаборлиги туфайли халос бўлади.

Юрт шаънига доғ туширманг!

Хурматли ватандош! Сиз хорижда меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун жўнаб кетар экансиз, сизда дунёни кўриш ва ўз иқтисодий даражанингизни яхшилашдан ташқари, халқаро ҳамжамиятда Ўзбекистоннинг шаъни, обрў-эътиборини ошириш, доврўгини дунёга танитиш имконияти пайдо бўл-

моқда. Ўзбек ва Ўзбекистон номини юксакка кўтаришингиз лозим, юртнинг шаънига доғ бўлиб тушадиган қадамлардан тийилишингиз керак.

Маълум маънода сиз хорижий давлатлар учун меҳмонсиз, меҳмоннинг эса мезбонлар олдида ўзига хос бурчи, масъулияти бор. Сизнинг ақл-заковатингиз, одоб-ахлоқингиз турли халқларда Ўзбекистон давлати, ўзбек миллати, юрт фуқароси ҳақида муайян таассуротлар шакллантиришини ҳамisha, ҳар он ёдда тутинг!

Умуман олганда, одам савдоси билан боғлиқ жиноятларга қарши курашиш нафақат айна масалага мутасадди бўлган идораларнинг, балки шу юртда яшаётган ҳар бир фуқаронинг вазифасидир. Чунки қайсидир юртошимизнинг бошига тушган тавиш эртага бизнинг бошимизга ташмаслигига ким қафолат беради? Кўчада, маҳаллада, қишлоқ ёки шаҳарда яшётган қўшнимиз, маҳалладошимиз, юртошимизнинг ҳолидан хабардор бўлиб, унга зарур вақтда кўмак берсак, керак бўлса, уни ана шундай хатарли омиллардан огоҳ этиб яшасак, ўзимизнинг ҳам, ўзгаларнинг ҳам тинчлиги, хотиржамлигини таъминлашга ҳисса қўшамиз.

Ватандошим! Сиз Она юртдан, оилангиздан олганда меҳнат қилиш учун кетмоқдасиз. Шунингдек, сизда дунёда тутиш, сиз Ўзбекистон деган буюк давлатнинг фуқаросисиз. Сизнинг қадр-қимматингизни, шаънингизни, ор-номусингизни, ҳақ-ҳуқуқингизни давлатимиз ҳар доим, ҳар томонлама муҳофаза қилиш қафолатини олган ва бунга қодир. Сиз ҳам ишга борган мамлакатда Ватанимизнинг халқаро мавқеини, обрў-эътиборини, ҳурматини, миллатимиз шаън-шаъватини сақлаш ватанпарварлик бурчингиз эканлигини унутманг!

Энг асосийси, сизни Ватан ва оилангиз астойдил қутади.

Ой бориб, омон келинг!

Карим БАХРИЕВ

Жаҳон айвони

Жаслик ёпилиши дунё нигоҳида

Биласизки, Президентимиз шу йилнинг 2 август куни «Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг 19-сон иқтисослаштирилган жазони ижро этиш колониясини тугатиш тўғрисида»ги қарорни имзолади. Ушбу қарор халқаро инсон ҳуқуқлари ташкилотлари томонидан ижобий баҳоланди. Шундан сўнг Европа Иттифоқи ҳам мажбурий меҳнатнинг ёпилиши юзасидан маълумот берди.

Маълум бўлишича, Расмий Брюссель ушбу воқеани қамқоҳоналарни яхшироқ бошқариш йўлидаги қадам дея баҳолаган. Қайд этилишича, ЕИ Ўзбекистоннинг «Қийноқ ҳамда муомала ва жазолашнинг қаттиқ шафқат-

сиз, инсонийликка зид ёки қадр-қимматни қамситувчи турларига қарши конвенция» факультатив протокол-ни ратификация қилиши ва уни тўлиқ ижро этиши, шу асосда жазони ижро этиш тизимидаги ислохотларни да-

вом еттиришини истади.

Шунингдек, баёнотда «2017-2021 йилларда Ўзбекистонни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси»да таъкидланганидек, қонун устуворлиги ва инсон ҳуқуқларига ҳурмат Ўзбекистоннинг жадал иқтисодий ҳамда ижтимоий тараққиётининг муҳим шартидир» дейилган. Бундан ташқари, хорижий ҳамда маҳаллий иқтисодий операторларнинг амалга оширилаётган ислохотларга нисбатан ишончи ва Ўзбекистон иқтисо-

диётига сармоя киритиши ушбу соҳалдаги мунтазам ижобий ўзгаришларга боғлиқдир. Европа Иттифоқи муносабатларимизни янги босқичга олиб чиқадиган ва каби шаън-ҳаракатларни қўллаб-қувватлашга тайёр экани келтирилган.

Давлатимиз раҳбарининг бу борадаги қарори халқаро инсон ҳуқуқлари ташкилотлари томонидан ҳам ижобий баҳоланди.

Нуриддин УБАЙДУЛЛАЕВ
тайёрлади.




13 август 2019 йил. «Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий ва саноат вазирлиги ҳузурида кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги Президент қарори қабул қилинди.



«ЎЗМЕТКОМБИНАТ» АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

**юртимиз аҳлини жонажон
Ватанимиз Мустақиллигининг
28 йиллиги билан
табриклайди!**

*Ушбу айём ҳар бир хонадонга тинчлик,
тотувлик, файзу барака, тўкин-сочинлик
олиб келсин. Байрам шукуҳи, янги-янги
орзу-истаклар сизларни асло тарк этмасин.
Халқимизнинг ризқи зиёда, толеи баланд,
шод-хуррам кунлари кўп бўлсин!*





МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

**барча ватандошларимизни халқимизга
озодлик, ҳурлик туҳфа этган Истиқлолнинг
28 йиллиги билан табриклайди.**

**Гўзал ва бетакрор юртимиз бўйлаб кезиб
юрган эрк шодиёналари бардавом бўлиб,
Ватанимиз равнақи йўлида меҳнат қилиш
бахти ҳамиша ҳамроҳингиз бўлсин, азиз
юртдошлар!**



**Chorvador.uz жамоаси барча
юртдошларимизни, ҳамкорларини
Истиқлолимизнинг 28 йиллиги
билан самимий муборакбод этади.**



Chorvador.uz

**Ватанимиз ободлиги, фаровонлиги
йўлидаги бунёдкорлик ишларингизда улкан
муваффақиятлар тилайди.
Шу билан бирга ўзининг маҳсулотлари ва
хизматларини таклиф этади.**



Манзилнинг: Тошкент.ш Аҳмад Дониш кўчаси 22.

Тел.: +99871 226-65-69, +99891 192-07-55,
+99897 444-00-16, +99894 647-10-03.

E-mail: chorvador@chorvador.uz www.chorvador.uz

**Маҳсулотлар сертификатланган.
Хизматлар лицензияланган.**



Хукуматнинг фармойишига асосан 2019 йилнинг 15-30 август кунлари мамлакатимизнинг барча ҳудудларида ободонлаштириш ва тозалик ойлиги деб эълон қилинди.



Номзодни ҳоким эмас, сиёсий партия танлайди

Сайлов ҳар бир сиёсий партияни халқ синовидан ўтказди. Жорий йилнинг декабрь ойида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига бўлиб ўтадиган сайловларга Ўзбекистон «Адолат» СДП тизимида ҳам пухта ҳозирлик кўрилмоқда.

Ҳаёт тажрибаси шуни кўрсатадики, ижтимоий муносабатлар ҳар қандай демократик давлатда ҳам бир хил бўлмайди. Бунинг юртимизда мавжуд сиёсий партиялар фаолиятига муносабатларда ҳам кўриш мумкин.

Демократиянинг асосий таомили ҳам ана шу хилма-хилликка йўл очишда, яъни ҳар бир фуқаро жамият ҳақида ўз фикрини маданий тарзда айтиши даркор. Ҳукуматнинг вазифаси эса ана шу фикр-мулоҳазаларни ҳисобга олиб, ўз ишловлари стратегиясини белгилашга қаратилган. Чунки тақлифи инобатта олинган фуқаро уни рўёбга чиқаришда ҳам фаоллик кўрсатади.

Тан олиш керак, жамиятимизда сиёсий партиялар фаолияти ҳақида кўпроқ танқидий фикрлар сақланиб қолмоқда. Айни кунларда мамлакатимиз оммавий ахборот воситалари, шу жумладан, ижтимоий тармоқларда сиёсий партиялар фаолияти ҳақида кўлаб таҳлили, танқидий чиқишлар сезиларли даражада ўрин олмоқда.

Яқинда телеграм каналда «Бўлажак депутатлик сайловлари масаласида» мавзусидаги мақола ни ўқиб қолдим. Очиғини айтганда, мақолада акс этган фикр-мулоҳазалар бирор мантқиққа тўғри келмайди. Жумладан, ушбу мақоладаги

«5 та сиёсий партиянинг ҳаммаси норасмий ҳокимликларга бўйсуниб, ҳокимнинг айтганини қилиб ишлайди», «Ҳозир сайловларга номзодларни ҳокимият назоратидаги ОРГ отдел кўриб чиқмоқда» деган асоссиз фикрлар қонунчиликдан ҳам амалиётдан ҳам йироқдир.

Албатта, аввалги сайловларда ҳокимлар халқ депутатлари Кенгаши раиси бўлган пайтда, балки депутатликка номзодлар билан танишиб чиққан бўлиши мумкин. Бунинг инкор қилмайман. Лекин «номзодларни ўзи танлаб берган» деган фикрга умуман қўшилмайман.

«Сиёсий партиялар тўғрисида»ги Қонуннинг 12-модда

сида Ўзбекистон Республикаси Президенти, давлат ҳокимияти органлари (халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши) сайловларида иштирок этиш ҳуқуқи кўрсатиб ўтилган. Мазкур сайловларда сиёсий партиялар фаол қатнашиб келмоқда.

Ҳурматли блогерлар, танқид қилишдан аввал сайлов қонунчилиги билан танишиб, қизиқсангиз, ҳар кун сиёсий партиялар расмий сайтга ташриф буюринг. Шу кунларда, партиялар қандай долзарб масалалар олиб чиқётганини кўриб, кейин танқид қилишни ўйлаб кўришни тавсия қиламан.

Сиёсий партиялар ўзи кўрсатаётган номзоднинг билим савияси ва дунёқараши юқори бўлиши билан бирга сайловчилар уларни яхши били-

шни ҳам муҳим аҳамиятга эга, деб ҳисоблайди. Биргина мисол. Қонунчилик палатасидаги 150 депутатлик ўрнига Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси депутатликка 1 500 дан орტიқ номзодлар захирасини шакллантириди ва ушбу жараён ҳамон давом этмоқда. Номзодлар захирасини шакллантиришда бошланғич партия ташкилотларининг фидойи аъзолари, маҳаллий Кенгашларда фаоллиги билан ажралиб турган депутатлар ҳамда партия экспертларига асосий эътибор қаратилмоқда. Бу борада сиёсий партияга вилоят, шаҳар, туманлар ҳокимлари бирор кўрсатма бераётгани йўқ, бунга улар аралашшига ҳақли ҳам эмас.

Барча номзодлар ҳокимлар танлови ёки қарори асосида эмас, балки сиёсий партияларнинг 5 йилда бир маротаба қаққирладиган олий органи (Съезд ёки Курултой)да сайловда иштирок этиш учун номзод сифатида кўрсатилади. Бунга мутлақо ҳокимларнинг алоқаси йўқ.

Илҳом ЖўРАЕВ,
Ўзбекистон «Адолат» СДП
Марказий аппарати
сектор мудир

Жараён

Манбаларда келтирилишича, Ўзбекистон ҳудудида дастлабки аҳоли рўйхати 1897 йил ўтказилган бўлиб, бу оилалар сони, аҳоли сони, ёши ва жинси, этник таркиби, туғилиш, ўлим каби демографик жараёнлар ҳақида тасаввур ҳосил қилишга ёрдам берган. 1926, 1939, 1959, 1970, 1979 ва 1989 йиллар ҳам аҳолини рўйхатга олиш ишлари ташкил этилган. Аммо мустақилликдан сўнг бу каби ишлар бажарилмаган.

Шу бонс аҳоли сони, ёш-жинс таркиби, ҳудудий жойлашуви ва бошқа ижтимоий-демографик ўзгаришлар борасида аниқ маълумотлар йўқ.

Шу мақсадда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 февралдаги фармони ҳамда «Ўзбекистон Республикасида 2022 йилда аҳолини рўйхатга олишни ўтказиш концепцияси» тасдиқланди. Мазкур фармон мамлакатимиз тараққиёти йўлида қўлга

киритилажак асосли ва ишончли маълумотлар базасини яратиш, республикадаги ижтимоий вазиятга янада оидинлик киритишга хизмат қилади. Чунки маҳаллий ҳамда хорижий компанияларнинг самарали фаолияти-

Аҳолини рўйхатга олиш нега керак?

Шунингдек, келгусида ривожланишнинг прогност кўрсаткичларини ҳисоблаш учун ишончли пойдевор яратди. Ҳудудларни ривожлантириш ва жа-

да худудлардаги реал ҳолатни билиш, прогност қила олиш муҳим омиллардан саналади. БМТ тавсияларига кўра, аҳолини рўйхатга олиш 10 йилда камида бир маротаба ўтказилиши белгиланган.

Аҳолини рўйхатга олиш мамлакатда яшовчи барча аҳолига тегишли бўлган демографик, иқтисодий ва ижтимоий маълумотларни йиғиш, умумлаштириш, баҳолаш, таҳлил қилиш ва эълон қилишнинг ягона жараёнини ўз ичига олиб, аҳоли тўғрисидаги маълумотларнинг асосий манбаи ҳисобланади.

миятнинг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларига ёрдам қўрсатиш бўйича сиёсий ҳамда бошқарув қарорларини қабул қилиш учун зарур маълумотларни олиш имконини беради. У аҳоли сонини ишончли ҳисоблаш, шунингдек, аниқ белгилаб қўйилган ягона ҳисобга олиш даврида аҳолининг жинси, ёши, оилавий аҳоли, маълумоти даражаси, яшаш шароити, бандлиги, миллати, фуқаролиги ва бошқа ижтимоий-иқтисодий хусусиятлари бўйича яқка тартибда ҳисобга олиш ҳамда батафсил тавсифлашнинг универсал усулини ишга солган ҳолда расмий статистика тизимида асосий манба ҳисобланади.

Салжар АННАЗАРОВ,
Олмасор туман статистика бўлими бошлиғи,
Ҳилола ҚАМАРИДДИНОВА,
етақчи мутахассис

Суд очерки

«Овқатдан захарланган 12 бола» воқеаси

Бу бундан бир йилча аввал Тошкент шаҳар Яккасарой туманидаги 323-сонли мактабгача таълим муассасасида содир бўлган. Муассасанинг ошхонасида ишлаган Р.Н. (бош ошпаз) ва Н.Р. (ошхона ишчиси)га боғча болаларининг овқатдан захарланиши ортдан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 257(1)-моддаси 1-қисми билан жиноят иши очилган эди.

Ўтган йилнинг 20 сентябрида ушбу мактабгача таълим муассасасининг 12 нафар тарбияланувчилари овқатдан захарланиб, «Ўткир инвазив диарея» ташхиси билан 2- ва 4-сонли ШБЮКШ касалхоналарига ётқизилган. Шунингдек, уларга соғлиқни қисқа муддатга бузилишига олиб келган энгил тан жароҳатлари етказилган.

Текширувлар жараёнида шу нарса аниқ бўлдики, МТМда фаолият олиб борган «MAXI FOOD BUSINESS» МЧЖ бош ошпази Р.Н. ва ошхона ишчиси Н.Р. иш жойида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Бош давлат санитария врачлари томонидан тасдиқланган санитария қоида ва меъёрлари талабларига риоя

қилмай, таом тайёрлашда технологик қоидаларни бузганликлари, 323-сонли МТМнинг 12 нафар тарбияланувчилари ўртасида гуруҳли «Ўткир инвазив диарея» касаллиғи келиб чиқишига асосий омил бўлган. Суд жараёнида айбланувчилар масъулиятсиз ва бепарволиги оқибатида болаларнинг ҳаётига хавф солгани, ота-оналарнинг ишончини йўқотгани ва қилмишига чин дилдан пушаймонлигини тан олди.

Жиноятнинг катта-кичиги, оғир-енгли бўлмайди. У содир этилгани, албатта, жазо муқаррар. Судланувчи Р.Н.га Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 257(1)-моддаси 1-қисми билан ойлук иш ҳақидан 10 фоз давлат фойдасига ундирган ҳолда 1 (бир) йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси, Н.Р.га

эса ЖКнинг 257(1)-моддаси 1-қисми билан ойлук иш ҳақидан 10 фоз давлат фойдасига ундирган ҳолда 6 (олти) ой муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланди.

Албатта, айбдорларга нисбатан қонунда белгиланган жазо қўлланилди. Бироқ эртамин эгалари бўлган ёшларнинг мактабгача таълим муассасасида хотиржам ва саломат ўйнаб-қулишлари учун барча ўз ишга масъулият билан ёндашиши зарур. Акс ҳолда, бу каби кўнгилсиз ҳолатлар яна қайтарилиши мумкин.

Темур КАСИМОВ,
Жиноят ишлари бўйича
Тошкент шаҳар
Яккасарой тумани суди судьяси



Энди фермер хўжаликлари учун ер ажратиб бериш туман ҳокимининг қарори бўйича ўтказиладиган икки босқичли танлов асосида амалга оширилади.

«Колбаса қани-и?»

Ёхуд медиа макондаги рекламаларга ижодий ёндашув

Радио эшитяпман, «Тўхтанийёз ота» колбаса маҳсулотлари рекламаси айланыпти. Аёл ухлаётган эрини уйғотиб, ширали овози билан (ишорали туолди) «Адаси, колбаса қани-и?» дея ширинлиги бирданга тугаб кескин сўроққа тутяпти... Орада яна от кишнашига бало борми?

Эшитган одамда худди ўзбек аёлларининг бари уйқудан «адаси колбаса қани» деган «пурмаъно» савол билан уйғонганидек тасаввур пайдо бўлади... Узр-ку, лекин бу жуда кўпол, тўпори ва мантқиқсиз ғоя...

Инглиз ёзувчиси Норман Дуглас: «Миллатнинг идеаллари ҳақида уларнинг рекламаларига қараб, билиб олиш мумкин» деган эди. Мантқиқсиз, фаҳм-фаросатдан анча нари, дилсиз, дағал рекламаларимизга қараб, бошқалар биз ҳақимизда нима деб ўйлаши мени кўп ташишга солади...



Креативлик қани?

Аслида, бу реклама «Тўхтанийёз ота» савдо белгисининг хатоси эмас, улар ҳам бозорда мавжуд мутахассисларга мурожаат қилган, холос. Бизнинг ижодкорларга эса креативлик, профессионаллик етишмайди. Баъзи хориж рекламаларини кўриб, «Вах, санъат асари-ку» деб ҳам юборамиз.

«Туркиш айрлинес» авиакомпанияси реклама роликларини кўрсангиз, беихтиёр турк миллатига, юртига нисбатан қизиқиш уйғонади кишида. Шунда ўйлаб қоламан, бизда ҳам миллийлигимизга тўғри келадиган, ўзбекча характеримизни янгича ракурслан кўрсатадиган рекламалар яратиш вақти келмадимикан?!

Бачканалик ва дидсизликнинг чегараси борми?

Одамларимизга ойнаи жаҳон, радио орқали онгсизлик, ғоясизликни тарғиб қилишдан чарчашмадимикан?! Қачон бизнинг ижодкорлар ўз халқини бензин билан «Вензи»ни фарқига бормайдиган саводсиз қилиб кўрсатишдан тўхтаркан?! Қачонгача халқ дангаса, янгилик топишга эриниб, истаганини оммага тиқштирадиган ижодкорларнинг бўлмағур ғояларини хазм қилади?! Ахир, кўриб турибмиз-ку, рекламалар бутун бошли миллат онгини бошқаряпти. Бунга ютуқли ичимликлар, уларнинг ортидан ўйналаётган турли шоулар ва сарфланаётган миллионлаб пуллар яққол мисол. Бизда креатив рекламалар ишлаб чиқариш учун маблағ муаммо эмас, сиз профессионал бўлсангиз, талбиркорлар ўз маҳсулотлари рекламаси учун катта-катта маблағ тўлашга доимо тайёр. Шу боис реклама соҳасидаги шоғирларим ҳамда бошқа ижодкорлардан ўз ишини севиши, кўпроқ изланиши, озгина креативроқ бўлишини сўраган бўлардим. Ахир, сиз мамлакат аҳолиси бугун нонуштага нима еишидан тортиб, қандай яшаши кераклигини ҳам уқтиришга қодирсиз...

Шерзодхон ҚУДРАТХҲАЕВ

Айни кунларда олий атаълим муассасаларига кириш учун имтиҳонлар бўлиб ўтмоқда. Шаҳарга ёпирилиб келган абитуриентларни кўриб, аввалги йилларда кузатишган айрим қўштирноқ ичидаги хангомалар эсга тушади.



Шулардан бири: тест ечаётган абитуриент устозига телефон қилган ва ундан ёрдан сўраб саволларни ўқий бошлаган. Устоз ҳам вазиятни яхши тушунган ҳолда ёрданга киришиб кетган. Бироқ шоғирдининг «А.Навий»ни «А.Новий» деб ўқиши, устознинг бир гашига тегса, бир кулгисини келтирган. Масаланинг оғир жиҳати шундаки, бу ҳол бир марта бўлмаган, ҳар йили абитуриентлар орасида Худойберди Тўхтабоевнинг «Ҳошимжон»лари учраб туради.

Биз уйдаги гап кўчага чиқмасин қабилда иш тутиб, жамият нуқсонларини яширишга ҳаракат қиламиз, бироқ ҳаммамиз билган ҳақиқатни яширишимиз кулгили эмасми? Бу худди «фақат сенга айтяпман, бошқа ҳеч ким билмасин» деб ҳаммага сирини ошкор қилган хотиннинг ишига ўхшайди-ку.

«Ўқишга пул билан кириш», «имтиҳонга телефон олиб кириш», «ўрнига кириб тестларни ишлаш», «х вариант олиб кириш», ҳатто, «дераздан улоқтирилган саволларни олиб қочиш»гача бўлган сўзлар кунора сўхбатларнинг бош мавзуси бўлиб туради.

Тўғри, ҳозир бунга қарши минглаб чора-тадбирлар ишлаб чиқилмоқда, тест бўладиган хоналарга камералар ўрнатилиб, уларнинг қай ҳолда имтиҳон топшираётганини ота-оналар кўриши

Бизга «Ҳошимжонлар» керак эмас

учун шароитлар яратилмоқда. Лекин «Имтиҳонда яна камера ишламай қолди» ёки «Имтиҳон вақтида электр токи ўчиб қолди» деган гапларнинг эл орасида тарқалиши «қаловини топсанг, қор ҳам ёнади» деганидир, балки. Ҳа, барибир иложини топишдади, чунки биз «улар»га ишонамиз.

Нима қилиш керак?

Омманинг фикрини тўғри йўлга солмагунча ҳеч нарсани ўзгартириб бўлмайди. Аввало, улғайиб келаётган ёш авлодни бирор хунарга йўналтириш лозим. Айтишингиз мумкин «биз нима қилишимиз, болалар ижодиёт саройларини нимага қўрганмиз», деб. Бироқ «Баркамол авлод» болалар ижодиёт марказларидаги аҳвол жуда ачинарли. Устозлар ўқувчиларни жалб қилиш учун тинимсиз мактабларда тарғибот ишларини олиб боради. Нега дейсизми? Ахир, ўқувчи тўпланмаса, устозга иш йўқ. Мана, энди масаланинг илдири кўрина бошлади. Ўқитувчининг хотиржамлиги бўлмаса, у болага таълимни қандай беради, пайтавасига ўт тушган одам, музқаймоқ емайди-ку!

Худди шундай, улар ўқувчи овлаш билан, ўқувчилар эса бу ердаги сифат-

сиз таълимдан қочиб билан овера. Шаҳар марказларидаги ижодиёт саройларининг аҳволи ҳаминқадар яхши, лекин туманларда хунар ўргатиш даргоҳларининг ҳоли ўта аянчли.

Бу каби манзилларда истал-

сини ҳам ёшлар иттифоқи билан тенглаштириш лозим. «Баркамол авлод» болалар ижодиёт маркази эришаётган ютуқларни кўрсатиш ва ҳақли равишда ютуқларга эриштириш керак.

Агар, мактабни битирган ҳар бир ўқувчининг қўлида хунари бўлса, унга олий таълим берадиган дипломнинг бу қадар аҳамияти катта бўлмайди. У фақат давлат яратиб берган иш ўрнига кўз тикиш, яъни боқимандалик ҳолатидан чиқиб, ўзи бирор ишлаб чиқаришни йўлга қўйиши мумкин. Ёшларга кўпроқ шундай имкониятлар берилса, олий таълимга талаб ҳам камаяди ва ўз-ўзидан имтиҳонлардаги корруп-

ган йўналишдаги тўтараклар мавжуд. Ҳатто, устავга назар ташлаган киши «Эҳ, сенинг ёшлигинг менда бўлсайди» деб юбориши мумкин-у, вилоят ва республика танловларига олиб чиқиш учун ёш иқтидорларни оёқяланг бўлиб қидиришга тўғри келишини айтмаганда, албатта.

— Тўтаракка бола йигиш учун мактабнинг дарвозасида туриб, ўқувчи «овлаганман». Ҳатто, ойнинг ярмигача келиб сўнг қорасини кўрсатмайдиган ўқувчилар ҳам кам эмас, — дейди Самарқанд вилояти Иштихон тумани «Баркамол авлод» болалар ижодиёт маркази ходими Музроф Мўминов.

Агар атрофлича ҳисоблаб кўрсак, чет қишлоқлардан келадиган ўқувчилар марказга бир келиб кетиши учун 3000 сўм ёки ундан кўпроқ сарфлашига тўғри келади. Унга қўшимча энг кам иш ҳақининг 5 фозини бадал сифатида тўлов қилишди, бадалнинг ўзиёқ ойига 11 000 сўм атрофида айланали. Бу эса ота-онанинг истьедодли фарзандини хунар ўрганишдан олиб қолишга етарлича баҳона бўлиши турган гап.

Иқтидорли болаларни ўз қобилияти бўйича тўсиқларсиз йўналтириш учун марказлардаги бадал тўловларини олиб ташлаш керак ва марказнинг реклама-



цияга оз бўлса-да, чек қўйилади. Ахир, бизга тест саволларини тўтиқушдай ёдлайдиган фикрсизлар эмас, ҳеч бўлмаса, розеткани янгилашга қодир мутахассислар керак.

Айтмоқчимизки, бизда жаҳон андозаларига мослаштириш учун турли муассасалар қуриляпти, бу яхши, бироқ уларнинг келажаги ва бераётган ҳосилига бефарқ қараялмиз. Аниқроғи, кураимиз, очамиз, бир-биримизни табриқлаймизу унутиб юборамиз ва янгисини қуришга, очишга киришиб кетамиз.

Бегали ЭШОНҚУЛОВ, «Жамият» мухбири



Мудофаа вазирлигида ҳарбий мобил инновацион тиббий марказ иш бошлади.

Тошкентда илк бор Қуръон қўлёзмалари намойиш этилади

Юртимизда бўлиб ўтиши режалаштирилаётган «Ўзбекистон — буюк йўллар ва тамаддунлар чорраҳаси: империялар, динлар, маданиятлар» маданий мерос ҳафталиги қатнашчилари 23 августда Ислон цивилизацияси марказига ташир буюради. Шу жумладан, Ўзбекистон Муслмонлари идорасига ташир давомиди дунёдаги илк Қуръон қўлёзмалари — Усмон Қуръони, Катта Лангар Қуръони нусхаларини кўришга муваффақ бўлади.

Маълумотларга кўра, Усмон Қуръони туғилмаган бузоқ терисига битилган бўлиб, муқаддас китобнинг илк қўлёзмаси саналади. Барча муслмон олами вакиллари учун табаруқ бўлган мазкур муқаддас китобни кўриш учун ҳар йили Тошкентга дунёнинг турли мамлакатларидан минглаб дин пешволари ҳамда сайёҳлар ташир буюради.

Машҳур Катта Лангар Қуръони ҳам Ислон дини ва барча муслмонлар учун бебаҳо хазиналардан бири. Бу қадимий китоб бутун инсониятнинг мероси ҳисобланувчи маданий ва тарихий бойликлар қаторига киритилган.

Экспертларнинг фикрича, Катта Лангар Қуръони қўлёзмасининг умумий ҳажми 206 саҳифа бўлиб, бугунги кунгача ундан деярли ярми — 97 саҳифаси сақланиб қолган. Қуръон саҳифаларининг 81 вароги Россияга бориб қол-



ган ва ҳозирда Қўлёзмалар институтида (РАН) сақланади. Сўнги тадқиқотлар шуни кўрсатдики, қўлёзманинг 16 вароги Ўзбекистонда сақланмоқда. Айни вақтда бу нодир қўлёзманинг деярли ярмининг тақдири номаълумлигича қолмоқда.

Шу муносабат билан ЎЭОАВМА «Sevimli TV» телеканали ҳамда «ББС» ўзбек хизмати билан ҳамкорликда афсо-

навий Қуръоннинг йўқолган саҳифаларини излаб топишга қаратилган лойиҳани амалга оширмоқда. Бу борада «Катта Лангар Қуръони афсона ва ҳақиқатлар» мавзусида давомли ҳужжатли фильмлар сериали ҳам тасвирга олинди. Тасвирга олиш ишлари Тошкент, Бухоро, Самарқанд, Қашқаларё вилоятининг Қамаш туманидаги Катта Лангар қишлоғида ҳамда Россиянинг Санкт-Петербург шаҳрида олиб борилди. Фильм лавҳалари Қуръон саҳифаларининг асосий қисми қандай қилиб Санкт-Петербургга бориб қолганини аниқлаштирувчи тарихий лаҳзаларни очиб беради. Шу жумладан, ҳужжатли фильмда Араблар қишлоғида яшовчи оқсоқоллар ва маҳаллий аҳоли хотиралари, Катта Лангар Қуръони билан боғлиқ афсона ҳамда ҳақиқатлар ҳикоя қилинади.

Лойиҳа доирасида 30 та 15 дақиқалик фильм тасвирга олинган. Жорий йил Рамазон ойида «Sevimli TV» телеканалда ва «ББС» ўзбек хизмати веб-сайтларида томошабинлар эътиборига ҳавола этилди. Айни шу фильмнинг умумлаштирилган талқини ҳам маданий мерос ҳафталиги иштирокчиларига намойиш этилади.

Баҳринисо МАДУМАРОВА,
«Жамият» муҳбири

| Б-ХАВО | |
|-----------|---------------|
| 16 август | +29°C / +13°C |
| 17 август | +31°C / +14°C |
| 18 август | +33°C / +17°C |
| 19 август | +34°C / +19°C |
| 20 август | +36°C / +19°C |
| 21 август | +35°C / +19°C |
| 22 август | +33°C / +19°C |

ob-havo.uz сайтидан олинган.

КЎПЧ ДАВЛАТ — КЎП ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ БИР
ЖАМИЯТ

Муассислар:

Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси.

Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси.

Ўзбекистон Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди.

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси.

«Маҳалла» хайрия жамоат фонди. Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси.

Ўзбекистон экологик ҳаракати. Ўзбекистон Республикаси Экология ва агроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси.

«Фуқаролик жамияти — Гражданское общество — Civil society» журнали.

Бosh муҳаррир
Мақсуд ЖОНИХОНОВ

Таҳрир ҳайъати:

Рустам Комилов
Рустам Қосимов
Борий Алихонов
Акмал Саидов
Шавкат Жавлонов

Газета таҳририятнинг компьютер бўлимида саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди.

Манзил: Буюк Турон кўчаси 41. Буюртма рақами Г-814 Адади: 1402.

Жума кuni чиқади. Қоғоз бичими А-3, ҳажми 2 босма табоқ. Баҳоси келишилган нарҳда.

Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида 2006 йил 0010-рақам билан рўйхатга олинган.

ISSN 2010-7722

Навбатчи: Баҳринисо Мадумарова

Дизайнер: Бегали Эшонкулов

100000, Тошкент шаҳри Матбуотчилар кўчаси 32.

Маълумот учун телефонлар: (71) 233-72-77, 233-91-55

Реклама ва эълонлар учун: Электрон почта: jamiyat@umail.uz

Газета индекси — 131 «ЖАМИЯТ» дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.

ЎЗА якуни:
Тошқирилган вақти: 15.45
1 2 3 4 5

«FARGO'NA YOG'-MOY» акциядорлик жамияти жамоаси



тобора яқинлашиб келаётган энг улуг, энг азиз байрам — Мустақиллигимизнинг 28 йиллиги билан барчани чин дилдан муборакбод этади. Юрт тинчлиги, ободлиги ва равнақи йўлидаги ишларингизга барака, дилларга қувонч, кўнгишларга хотиржамлик тилайди. Бетакрор Ўзбекистонимизга асло кўз тегмасин!



2020 йилда Бухоро нефтни қайта ишлаш заводида 553 миллион АҚШ долларига тенг модернизация лойиҳаси амалга оширилади.